

- bozor volatilligi (narxlar tez o'zgarishi);
- tartibga solish va nazoratning noaniqligi;
- kiberxavfsizlik xatarlari;
- likvidlik muammolari.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, O'zbekistonda kriptovalyuta taqiqlanmagan, ammo qat'iy litsenziya va davlat nazorati ostida faoliyat yuritadi. Kriptovalyutalar bilan faoliyat faqat litsenziyaga ega bo'lgan kompaniyalar orqali amalga oshirilishi mumkin. O'zbekistonda investitsiya fondlari (masalan, davlat va xususiy fondlar) hali kriptovalyuta bilan to'liq rasman shug'ullanmaydi, lekin kriptovalyuta sohasida institutsional ishtirok uchun muhit va tizimlar shakllanmoqda. Kriptoni investitsiya aktivi sifatida rivojlantirishga harakat qilinmoqda. O'zbekiston kriptovalyutalarni rasman tan oladi va nazorat qiladi, ammo ular milliy valyutaning o'rnini bosmaydi. Chet el kripto birjalariga to'g'ridan to'g'ri kirish kriptovalyuta operatsiyalari uchun man etiladi va jinoiy javobgarlikka olib kelishi mumkin.

БАНКЛАР РАҚАМЛАШТИРИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МИЛЛИЙ ИНДЕКСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Мўминова Маъсуда Бахтияровна

ТДИУ “Банк иши” кафедраси профессори, DSc.

Одилжоновна Азиза Бахтиёр қизи

ТДИУ-УрДИУ “Иқтисодиёт” ўналиши, талабаси

Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёни рақамли технологиялар тараққиёти, хусусан катта маълумотлар таҳлили (Big Data) ва сунъий интеллект технологияларининг кенг жорий этилиши билан тавсифланади. Мазкур технологик ютуқлар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида туб институционал ва функционал ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Бу жараёнлар молия бозорида иқтисодий муносабатларни амалга оширишда муҳим воситачилардан бири ҳисобланган тижорат банклари фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса, рақамли тўлов тизимлари, виртуал банк платформалари, шунингдек сунъий интеллект технологияларига асосланган инвестициявий маслаҳат хизматлари каби инновацион молиявий маҳсулот ва хизматларнинг шаклланиши банк хизматлари кўрсатиш амалиётини янги босқичга олиб чиқмоқда. Натижада банк институтлари фаолиятида рақамли трансформация жараёнлари кучайиб, анъанавий банк хизматлари моделларини қайта кўриб чиқиш ҳамда замонавий технологик ечимларга асосланган янги усулларни шакллантириш зарурати юзага келмоқда.

Шунингдек, рақамли хизмат кўрсатиш тизимларининг жорий этилиши банк хизматларининг самарадорлиги ва сифати ошишига хизмат қилади. Мазкур тизимлар банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ҳудудий чекловларсиз масофавий хизматлар тақдим этиш имкониятларини яратади. Натижада банк операцияларини амалга ошириш харажатлари қисқариб, молиявий фаолият самарадорлиги ва даромадлилик даражаси ортишига олиб келади.

Жаҳон миқёсида иқтисодийнинг технологик жиҳатдан жадал ривожланиб бораётган шароитида Ўзбекистон банк тизимини трансформация қилиш, уни замонавий молиявий технологиялар асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги ислохотларни самарали амалга ошириш учун, аввало, тегишли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда амалдаги қонунчиликни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашларини ўрганиш шуни кўрсатадики, Wewege ва Thomsett (2019) фикрига кўра, банклар FinTech инқилобига тайёр эмас эди, шунинг учун, бугунги кунда улар қўлга олишга ҳаракат қилмоқдалар, бу кўпинча катта капитал қўйилмалар билан боғлиқ. Муаллифлар, шунингдек, уй хўжаликларининг айрим гуруҳларини интернетга киришга тайёр эмаслигини таъкидлайдилар (хусусан, ёши катталар), бу яна бир бор тадқиқотнинг муҳимлигини ва рақамли молиявий инклюзивлик муаммоларини таъкидлайди. Бундан ташқари, муаллифлар банклар инфратузилмаси ва бизнес моделларини ўзгартириш зарурлигини таъкидлайдилар. Шундай қилиб, молиявий хизматларни рақамлаштиришни таъминлаш жуда жиддий муаммолар билан бирга келади. Шундай бўлса-да, шу билан бирга, у сезиларли даражада узоқ муддатда фойда келтиради ва молиявий инклюзивликнинг ўсишига ҳисса қўшади³³⁶.

Рақамлаштиришдаги муаммолар деярли барча давлатларда кузатилади. Бу борада Жаҳон банки маълумотларига кўра, “ўтган йили юқори даромадли мамлакатларда яшовчи аҳолининг 93 фоизи интернетга кирган бўлса, кам даромадли мамлакатларда атиги 27 фоизи интернетдан фойдаланган. Шу билан бирга, интернет хизматлари нархидаги фарқ ҳам ортиб бормоқда. Масалан, Африкада 2023 йилда мобиль интернет нархи Европа мамлакатлариникидан тахминан 12 баробар юқори бўлган³³⁷”.

Албатта, рақамлаштириш соҳасидаги муаммолар нафақат хорижий давлатларда, балки Ўзбекистонда ҳам ечимини топмаган кўплаб масалалар мавжуд. Ушбу муаммоларнинг самарали ечими тижорат банклари учун рақамли банк хизматларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан рақамли трансформация жараёнини таъминлашда бир қатор асосий омиллар эътиборга олиниши шарт.

Биринчидан, дастурий таъминот ечимлари банк хизматларини автоматлаштириш, мижозлар учун онлайн операцияларни қулай ва хавфсиз қилишда асосий рол ўйнайди. Иккинчидан, мижозларнинг рақамли кўникмалари ҳам катта аҳамиятга эга, чунки мижозлар технологиядан самарали фойдалана олмаслиги банк хизматлари самарадорлигига тўсқинлик қилади. Учинчидан, банк ходимларининг билим ва малакалари рақамли хизматларни жорий этиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнайди. Натижада, банк ходимлари ва мижозлар ўртасидаги ўзаро алоқалар сифатли ва барқарор бўлади.

Шунингдек, интернет тезлиги ва барқарорлиги рақамли хизматлардан фойдаланиш имкониятига бевосита таъсир кўрсатади. Тез ва ишончли интернет

³³⁶ Wewege, L. Thomsett, M.C. (2019). The Digital Banking Revolution: How Fintech Companies are Transforming the Retail Banking Industry Through Disruptive Financial Innovation [online]. Berlin, Boston: De Gruyter.

³³⁷ https://www.worldbank.org/en/news/podcast/2025/06/05/why-digital-transformation-matters-development-podcast?cid=ECR_TT_worldbank_EN_EXT

тармоғи йўқлиги хизматларнинг ишлатилиш самарадорлигини пасайтиради ва мижозларнинг рақамли банк хизматларига бўлган ишончини камайтиради.

Ушбу муаммоларни ечиш ва тижорат банкларининг рақамлашганлик даражасини самарали баҳолаш учун миллий рақамлашганлик индексини ишлаб чиқиш зарур. Бу индекс банклар фаолиятида рақамли трансформациянинг ҳолати ва самарадорлигини аниқ кўрсатиб, молиявий хизматларни модернизация қилишда стратегик йўналишларни белгилаш имконини беради. Шу билан бирга, миллий индекс банклар орасида рақамлаштириш даражаси бўйича солиштирма ва мониторинг олиб боришга хизмат қилади, ҳамда фаолиятни такомиллаштириш учун асосий омиллар ва афзалликларни аниқлайди.

Банкларнинг рақамлашганлик миллий индексини ишлаб чиқишда Global Raqamli Indeks (GDI) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу индекс 78 та мамлакатнинг рақамлаштириш жараёнини 43 та индикатор орқали баҳолаб, рақамли трансформациянинг иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ва барқарорликка таъсирини таҳлил қилади. Индекс мамлакатлар ўртасидаги рақамли ривожланишдаги фарқларни кўрсатиш, рақамли сиёсат ва стратегияларни ишлаб чиқишда, шунингдек хусусий ва давлат секторининг рақамли салоҳиятини баҳолашда муҳим инструмент ҳисобланади.

Индекс асосий тўрт йўналишни қамраб олади: рақамли инфратузилма (интернет қамрови, мобил алоқа), рақамли хизматлардан фойдаланиш (электрон тўловлар, онлайн хизматлар), инновация ва технологик ривожланиш (стартаплар, илмий-тадқиқот ишлари, патентлар) ҳамда рақамли саводхонлик ва инсон капитали (малакали ишчи кучи ва рақамли кўникмалар).

Шу нуқтаи назардан, банкларнинг рақамлашганлик миллий индексини яратиш орқали тижорат банклари мижоз талабини қондириш, мижозлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва харажатларни камайтириш имконига эга бўлади. Бу эса банк инфратузилмасини трансформация қилиш, рақамли технологияларни бутун қиймат занжири бўйлаб интеграция қилиш ҳамда хизматлар ва маҳсулотларни автоматлаштириш ва оптимизация қилиш имконини беради.

Натижада, рақамли банк хизматлари мижозлар учун қулайлик, вақтни тежаш ва мавжудлик каби афзалликлар яратади, шу билан бирга технологияни қабул қилиш ва рақамли трансформация самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг рақамлашганлик индексини яратиш орқали бир қатор устунликларга эришилади. Биринчидан, индекс тизими иқтисодий ва бошқарув адабиётларига асосланиб, рақамли трансформациянинг асосий масалалари ва вазифаларини қамраб олади. Иккинчидан, мазкур индекс тизими юқори даражада умумлаштириш қобилиятига эга бўлиб, рақамли трансформацияни бошқа соҳаларда ҳам баҳолаш ва амалиётда қўллаш учун қимматли тавсиялар тақдим эта олади. Умуман олганда, индекс ички ва ташқи жиҳатдан юқори даражада ишончли бўлиб, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги миқдорий тадқиқотлар учун муҳим ва самарали инструмент ҳисобланади.